ПАРТИЯ АХБОРОТИ

# ЭНГ МУНОСИБЛАР — КПСС САФИГА

**Янгийўл шаҳар партия ташкилотлари РСДРП Иккинчи съездининг 80 йиллигига тайёргарлик ишлари доирасида партия сафларини ишлаб чиқаришда намуна кўрсатаётган, ижтимоий актив ёшлар ҳисобига ўстириб боришга катта эътибор бермоқдалар.** Пойабзал фабрикаси 6-цехи ишчиси Д. Улуғова, 3-цех ишчиси Л. Киселева, «Лаззат» кондитер бирлашмасининг аппаратчиси К. Торопова ва бошқалар партия аъзолигига қабул қилинди. Умуман, бир йил мобайнида Янгийўл шаҳар партия ташкилотларининг сафи 338 кишига ўсди. Уларнинг орасида комсомолда чиниқиш мактабини ўтган кўплаб ёш ишчилар бор.

* * *

Оржоникидзе район партия ташкилотлари КПСС сафига муносиб кишиларни танлаб қабул қилиш ишига талабчанликни кучайтирмоқдалар. Натижада партияга қабул қилинаётганлар орасида ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, комсомол-ёшлар ва хотин-қизлар кўпчиликни ташкил этади. Хўжалик-маиший буюмлар фабрикасида кейинги бир йил ичида партия сафига 7 меҳнатчи қабул қилинди. ТошГРЭС, кўчма механизациялашган колонна партия ташкилотлари ҳам меҳнаткаш ёшлар ҳисобига ўсиб бормоқда. Ильич номли ишлаб чиқариш бирлашмаси паррандабоқарлари И. Ҳошимова, П. Цеплятина, С. Эргашева ўртоқлар ҳам Ильич тасвири туширилган партия билетларини қўлга олишди.

С. АЛИЕВ.



Тошкент тўқимачилик комбинатининг 3-филиали — корхонада энг илғор коллективлардан бири. Бу ерда шу йилнинг ўзида 7,5 миллион метрга яқин хом сурп ва 700 тонна калава маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Белгиланган юксак марраларни эгаллашда корхонанинг юзлаб ишчи-хизматчилари фидокорлик билан меҳнат қилмоқдалар. СУРАТДА: социалистик мусобақа пешқадами, илғор йигирувчи Фарида Ҳакимова. У кунлик нормаларини муттасил 120—125 процент адо этмоқда.

В. Сироткин фотоси.

ЁШЛАР ТАРБИЯСИГА КОМПЛЕКС ЁНДАШАЙЛИК

# ҚУДРАТИМИЗ МАНБАИ

Коммунистик партия ёш авлодни ҳар тарафлама баркамол қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор бермоқда. Ёшларнинг сиёсий ва меҳнат активлигини оширишга, уларда чуқур ватанпарварлик, қатъий интернационалистик эътиқодни шакллантириб, жонажон Ватан равнақи ва ҳимояси ишига бутун кучни бағишлашга тайёр туриш руҳида тарбиялаш йил сайин тобора катта аҳамият касб этмоқда. Табиийки, ёшлар меҳнат қилиш одати, муносиб яшашга интилиш, жамиятга ҳалол хизмат қилишдек ота-оналарининг энг улкан ғоявий ва ахлоқий бойликларини ўз-ўзидан ўзлаштириб олмайдилар. Ана шундай юксак инсоний фазилатлар оила, мактаб ва жамоатчиликнинг ҳамжиҳатликда иш олиб боришги билангина шаклланади. Бу борада кўп нарса маориф ходимларига боғлиқ.

Шу сабабли, жумладан, адабиёт ўқитувчиси дарсда асосий диққат-эътиборни ўқувчиларда совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм, СССР халқлари дўстлиги ҳиссини тарбиялашга қаратмоғи лозим. Бу ишда шахсан мен классик адабиётимиз материалларидан ҳам, ўзбек совет адабиёти материалларидан ҳам унумли фойдаланишга ҳаракат қиламан. Муқимий, Фурқат, Завқий, Аваз Ўтар ўғли каби шоирлар ўзбек халқининг тақдири Россия халқларининг тақдири билан боғланганлигини яхши тушуниб етган эдилар. Шу сабабли бу ғоя уларнинг ижодларида ҳам ўз аксини топди. Жумладан, Фурқат Россияни буюк ва дононшманд олимлар ватани сифатида улуғлади. «Илм хосияти», «Гимназия», «Суворов», «Электр лампочкаси» каби ажойиб асарлар яратиб, ватандошларини рус халқига эргашиб, унинг илғор маданиятидан баҳраманд бўлишга даъват этди.

Оташин интернационалист Ҳамза хорижий Шарқ ва Ғарб мамлакатларининг тақдири ҳақида қайғурган, ўз асарларида мустамлакачиларни лаънатлаган, мазлум меҳнаткашлар жабр-зулмдан мангу озод бўлишини истаб талайгина шеърлар ёзган. Бундан ташқари унинг «Жаҳон сармоясининг охирги кунлари» асари ҳам интернационализм руҳи билан суғорилган бўлиб, унда империализм ва мустамлакачилик қораланади. Ҳамза бу асарида мазлум Шарқни мустамлакачиларга қарши курашга даъват этади.

Ўқувчиларни социалистик интернационализм руҳида тарбиялашда Ғафур Ғуломнинг «Мен яҳудий», «Сен етим эмассан», «Улуғ рус халқига», Комил Яшиннинг «Йўлчи юлдуз», Раҳмат Файзийнинг «Ҳазрати инсон», Шароф Рашидовнинг «Бўрондан кучли», «Қудратли тўлқин», Григорий Марьяновскийнинг «Минг бир тақдир» каби асарлари алоҳида ўрин тутади.

Дўстлик, ўртоқлик ҳар бир совет кишисининг энг юксак маънавий фазилатларидан бири. Ўзбек халқи билан улуғ рус халқи ўртасидаги абадий дўстлик Ғ. Ғуломнинг «Улуғ рус халқига» шеърида ажойиб поэтик мисраларда таранум этилган. Бу шеърни муфассал ўрганиш, ёд олиш ўқувчиларни интернационализм руҳида тарбиялашда яхши самара беради.

Интернационализм тор миллий манфаат ва мақсадларга чек қўйиб, турли миллатларга мансуб кишиларнинг умумбашарий манфаати учун курашишда, айниқса, яққол намоён бўлади. Интернационализмнинг ана шу принциплари К. Маркс, Ф. Энгельс, В. И. Лениннинг серқирра фаолиятида, айниқса, бўртиб кўринади. Комил Яшиннинг «Йўлчи юлдуз» драмасида доҳий образи чинакам интернационалист сифатида талқин этилади. Асарда В. И. Ленин Туркистон меҳнаткашлари вакиллари билан хайрлашар экан, уларга қуйидаги топшириқни беради: «Шарққа жар солинг. Бизнинг байроғимиз бутун дунё мазлум халқларининг озодлик байроғи деб Шарққа жар солинг».

ВЦСПС ва СССР Ёзувчилар союзи мукофоти лауреати Р. Файзийнинг «Ҳазрати инсон» романида бош қаҳрамон Маҳкам ака ва унинг турмуш ўртоғи Меҳриниссо опалар ҳам ҳақиқий интернационалист сифатида намоён бўлади. Улар турли миллатга мансуб ўн тўрт болага ўз бағриларидан жой бердилар. Фашист газандалари бошлаган урушнинг оқибати ҳар бир совет кишисига дахлдор эканлигини англаб, ана шундай дамда киши кишига дўст, ўртоқ деган принципга амал қилиб, бемисл олижаноблик туйғуларини намойиш этдилар.

Ёзувчи Г. Марьяновскийнинг «Минг бир тақдир» ҳужжатли қиссасини эса синфдан ташқари ўқишга тавсия этиш мумкин. Асарда Улуғ Ватан уруши йилларида Ўзбекистонга Россиянинг турли жойларидан кўчириб келинган кишиларга, болаларга бўлган дўстона муносабат, ўзбек халқининг олижаноблиги баён этилган. Унда ўзбек хотин-қизларининг чинакам интернационалистик қиёфаси айниқса, яққол намоён бўлади.

Мамлакатимиздаги турли миллат вакиллари халқ хўжалигининг хилма-хил тармоқларида, зарбдор қурилиш ва йирик объектларда ёнма-ён туриб ишламоқдалар. Халқларнинг ана шу бузилмас дўстлиги совет жамиятининг ҳаракатлантирувчи кучларидан биридир. Бу дўстлик бизда кўз қорачиғидек асралади. Истеъдодли ёзувчи Ш. Рашидовнинг «Қудратли тўлқин» романида ана шундай буюк дўстлик ва ўзаро ҳамкорлик ажиб бўёқларда ҳикоя қилинган. Мен ўнинчи синфда дарс чоғида «Қудратли тўлқин» романини таҳлил қилаётганимда совет кишиларидаги бундай интернационал муносабатлар социалистик турмуш тарзининг ажралмас қисми эканлигини алоҳида таъкидлайман. Замондошларимизнинг ёрқин образлари тасвирланган, халқлар дўстлиги ва улуғ рус халқининг оғаларча ёрдамини таранум этувчи асарлар ўқувчиларни интернационализм руҳида тарбиялашда қудратли воситадир.

Қайси фандан дарс бермайлик, биз, педагогларнинг зиммасида катта масъулият ётади. Бу масъулият — истиқбол эгалари бўлмиш ёш йигит ва қизлар оташин ватанпарвар ва чинакам интернационалист бўлиб етишишларига эришишдан иборатдир.

**А. ЎРМОНОВ,**
**Андижон область Хўжаобод районидаги С. М. Будённий номли 21-ўрта мактаб тил ва адабиёт ўқитувчиси.**

ҚИШЛОҚДА ЮКСАК ТУРМУШ МАДАНИЯТИ УЧУН

# ФАРОВОНЛИКНИ КЎЗЛАБ

Хўжалигимиз кўҳна Мирзачўлнинг марказида жойлашган бўлиб, унинг ташкил топганига ярим асрдан ошмоқда. Ҳозирги кунда у областдаги йирик, обод ва кўркам колхозларнинг бирига айланган. КПСС XXVI съезди қарорларини изчиллик билан амалга ошираётган пахтакор ва чорвадорларимиз ўтган йили она-Ватанга 7800 тонна пахта, 96 тонна гўшт, 960 тонна сут, 171 минг дона тухум, 1500 тонна сабзавот ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиб, бу соҳадаги план ва мажбуриятларини ошириб адо этдилар ҳамда ўзаро мусобақа ғолиби деб топилиб, область партия комитетининг ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирландилар. Бу йил давлатга 12 тоннадан ортиқ пилла топширдик ва бошқа соҳаларда яхши натижалар қўлга киритилмоқда. Хўжаликда экономика ва маданият ривожлантирилиб, ишлаб чиқаришнинг барча тармоқлари сердаромад соҳага айлантирилган. Ўтган йили пахтачиликдан қарийб бир миллион сўмдан зиёд соф даромад олинди. Ана шу даромаднинг ярим миллион сўми маданий-маиший ишларга сарфланиши планлаштирилган. Қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш меҳнаткашларнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш билан чамбарчас боғлиқ бўлса, ўз навбатида меҳнаткашлар турмуш шароитининг яхшиланиши — хўжалик экономикасини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Колхозимизда областда биринчи бўлиб аҳолига маданий-маиший, медицина ва савдо хизмати кўрсатадиган муассасаларнинг фаолиятини бошқариб турадиган координацион совет ташкил этилган эди. Ўтган уч йил мобайнида колхоз раиси, Ленин ордени кавалери Мамазуҳур Номозов раҳбарлик қилаётган ана шу советга аъзо бўлган қишлоқ зиёлилари, уруш ва меҳнат ветеранлари, колхоз мутахассислари қишлоқ билан шаҳар ўртасидаги тафовутни йўқотиш, қишлоқ аҳолисининг кундалик эҳтиёжини ҳисобга олиб, уларнинг турмуш маданиятини ошириш вазифалари билан конкрет шуғулланмоқдалар. 1983 йилда совет аъзоларининг ташаббуси билан «Октябрь» посёлкаси тўлиқ газлаштирилиб, «Зарбдор» участкасида 100 точкали автомат-телефон станцияси фойдаланишга топширилди, 4 километр йўлга асфальт ётқизилди. Шунингдек, 5 та кооператив уй-жой, саккиз сотувчи хизмат қиладиган «Универсам», янги медицина пункти қуриб битказилди. Шуниси қувончлики, хўжалигимизда барча участкаларда кенг кўламда маданий-маиший объектлар қурилиши амалга оширилмоқда.

Хўжалигимизда 20 миллат вакили бир оила фарзандларидек, аҳил-иноқ ҳаёт кечириб, колхозимизни гуллаб-яшнатиш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Координацион совет аъзолари меҳнаткашларни интернационал дўстлик руҳида тарбиялаш, янгича урф-одатлар, анъаналарни кенг тарғиб этиш, ёшларнинг ғоявий-эстетик тарбиясини кучайтириш борасидаги ишларни режалаштирар экан, хўжалигимиз аҳолисининг талаб ва эҳтиёжлари, шароитнинг ўзига хос томонларини ҳисобга олади. Ҳар йили бизда Наврўз, Уч авлод учрашуви, Совет Армияси сафига кузатиш ҳамда пенсия ёшига етганларни шарафлаш маросимларини ўтказиш, комсомол тўйларини ташкил этиш доимий анъанага айланиб қолди. Шунингдек, ёшларни фойдали меҳнатга жалб этиш билан бир қаторда уларнинг ишдан кейин дам олиши учун қулай шароитлар яратиб берилган. Жумладан, колхоз клуби ёшларнинг севимли масканига айланган. Клуб қошида бичиш-тикиш, фотография, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари билан бир қаторда турли миллат вакилларидан иборат 50 ҳаваскорни бирлаштирган «Навбаҳор» ашула ва рақс ансамбли ташкил этилган.

Ҳозирги кунда колхоздаги 400 ўринли қишки ва иккита ёзги клуб, 12 та озиқ-овқат ва хўжалик моллари магазини, 2 та сартарошхона, радио ва телевизор тузатиш устахонаси, 4 та болалар боғчаси, қишлоқ даволаш амбулаторияси, 4 та даволаш пункти дала меҳнаткашларига намунали маданий-маиший хизмат кўрсатмоқда.

Хўжалигимизда кооператив уйлар қурилишига бўлаётган эътибор йилдан йилга ортиб бораётгани айниқса, қувонарлидир. Ҳозирча колхозимизда 30 хонадон ана шундай қулай кооператив уйда истиқомат қилмоқда. Кейинги йилларда қурилиш кооперативига аъзо бўлувчилар сони тобора ортиб бормоқда. Кооперативга аъзо бўлиш меҳнаткашлар учун катта қулайликлар туғдиради. Биргина ўтган йили колхозимиздаги «Бўстон» кооператив уй-жой комбинатига 40 га яқин ариза тушди. Колхозчилардан тушган аризалар инобатга олиниб, бу йил «Зарбдор» участкасидан 3 гектар майдон кооператив уй қурилиши учун ажратилди, «Ленинский путь» участкасида яқин орада 5 та кооператив уй фойдаланишга топширилади.

Шуниси эътиборлики, колхозчиларда турмуш учун барча қулайликларга эга бўлган замонавий мебеллар, кир ювиш машиналарига ва бошқа рўзғор буюмларига бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда. Янги уйларни замонавий безаш, уй атрофига гул ва дарахт кўчатлари ўтқазиш ҳам яхши анъанага айланиб қолмоқда. Ҳар ойда мунтазам равишда «Энг яхши хонадон» кўрик-конкурслари ўтказилиб борилаётганлиги бу борадаги ишимизни жонлантиришда катта ёрдам бермоқда.

Колхозимиз меҳнаткашлари фаровон турмуш кечириб замонга шукрона ҳисси билан қараб, тўй ва маросимларни ортиқча дабдабасиз, исрофгарчиликсиз ўтказиш учун курашмоқдалар. Ахир нонни исроф қилишга кимнинг виждони йўл қўяди, дейсиз. Тўй ва маъракаларни замонага монанд ўтказиш юзасидан махсус комиссия тузилган. Комиссия аъзолари колхоз бош агрономи А. Жолмуҳамедов, бригада бошлиқлари О. Оғалиев, Ш. Ҳасанов ва бошқалар тўй ва маъракаларни кўнгилли ва шодон ўтказиш учун катта ташкилотчилик ишларини олиб бормоқдалар. Яқинда ана шундай комсомол тўйларидан бири илғор колхозчи Барот Исломовлар оиласида бўлиб ўтди. Биринчидан, кам чиқимли ва ширин ўтган тўй барчада яхши таассурот қолдирган бўлса, иккинчидан тўйда бошқа жойдан катта пул эвазига таклиф этилган отарчилар эмас, балки колхоз клуби қошидаги Маткарим Ҳақназаров етакчилик қилаётган «Навбаҳор» ансамблининг бадиий ҳаваскорлари маданий хизмат кўрсатишди.

Координацион совет аъзоларининг жонкуярлиги ва ташаббускорлиги туфайли колхозда маданий-маиший ишлар савияси тобора юқори кўтарилмоқда. Бироқ шу билан бирга биз амалга оширган ишларимизни имкониятимиз даражасида деб айта олмаймиз. Олдимизда турган айрим муаммолар, амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар оз эмас. Областимизда колхоз ва совхоз клублари учун замонавий мебель, театр костюмлари, турли зарур жиҳозлар харид этиш мумкин бўлган биронта ҳам магазин йўқ. Область маданият бошқармаси эса бу соҳада бизга конкрет амалий ёрдам бера олмаётир.

Шунингдек, маданий-маиший ишлар намунали йўлга қўйилган хўжаликларда тез-тез маданий-оқартув ишлари бўйича раис ўринбосарлари, директор муовинларининг семинарлари ўтказилиб турилса, у ерларда орттирилган илғор тажрибаларни ўз хўжалигимизга татбиқ этсак ёмон бўлмас эди. Баъзи хўжаликларда бўлганимизда раис ўринбосарларининг нормал ишлашлари учун зарур бўлган энг оддий шароитлар ҳам яратиб берилмаганлигининг гувоҳи бўламиз. Уларда на транспорт бор, на бошқа нарса. Улар эрталабдан кечгача фақат қишлоқ хўжалик ишлари билан банд бўладилар, ўзларининг бевосита хизмат вазифаларига оид ишлар қандай бажарилаётгани билан ҳеч ким қизиқмайди. Қишлоқда турмуш маданиятини юксалтириш бугунги куннинг долзарб масаласи экан, бизлар кўпроқ ўз участкаларимизда актив фаолият кўрсатсак, хўжалигимизга, давлатимизга кўпроқ фойда келтирган бўламиз. Чунки ҳозирги даврда меҳнаткашларнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш, қишлоқда турмуш маданиятини юксалтира бориш замон талабидир. Бир сўз билан айтганда, турмушимизнинг янада гўзал ва чиройли, фаровон бўлиши ҳар бир колхоз аъзосининг, совхоз ишчисининг актив, фидокорона меҳнатига боғлиқдир.

**К. УБАЙДУЛЛАЕВ,**
**Гулистон районидаги «Октябрь» колхози правлениеси раисининг маданий-маиший ишлар бўйича ўринбосари.**

## МУСОБАҚА КУНДАЛИГИ

### ▲ КОРХОНА ҚУВВАТИ ОШМОҚДА

**Чирчиқ сут маҳсулотлари заводида тайёрланаётган сутли маҳсулотлар — серқаймоқ қатиқ, сметана, творог, қаймоқ ва бошқалар шаҳар меҳнаткашларига ўз вақтида ва кўплаб етказиб берилмоқда. Яқинда корхонада сутни идишларга қуювчи қўшимча линия ишга туширилади.**

**Корхона коллективи бу йил магазинларга 14 минг тонна маҳсулот етказиб беришга аҳд қилган. Лойиҳада белгиланган қувватларни ўзлаштириш тугагач, шаҳарликлар ҳар йили 18 минг тонна сут маҳсулотлари оладиган бўладилар.**

### ▲ ЧИҚИНДИЛАРДАН ДАРОМАД

**Андижон тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг кенг истеъмол моллари цехида янги конвейер линияси ишга туширилди. Эндиликда цех асосий ишлаб чиқариш чиқитларидан ҳар хил буюмлар ишлаб чиқара бошлади.**

**Ҳозирги кунда мактабгача ёшдаги болалар учун шим ва калта шимлар тикиб чиқарилаётир. Тайёрланган буюмлар биринчи тақдим этишдаёқ қабул қилинмоқда. Тажрибали тикувчилардан Қумрихон Маткаримова, Санталатхон Ҳайдарова, Лолахон Қосимбоевалар буюмларни фақат аъло сифатда тикиб, топшириқни икки баравар ва ундан ҳам ошириб адо этмоқдалар.**

**Цех коммунистик меҳнат коллективи деган юксак номга эга. Шу туфайли ҳам бу ерда коммунистик бригадалар ҳаракатининг 25 йиллигига муносиб совға тайёрланмоқда. Тикувчилар юбилейолди меҳнат вахтасининг ҳар бир ҳафтасида пландан ташқари камида минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилишган.**

### ▲ АҲОЛИГА СОВҒА

**Тошкент бадиий буюмлар фабрикасида аҳоли учун кўпдан кўп буюмлар ишлаб чиқарилмоқда. Улар орасида кенг истеъмол моллари жуда кўп. Булар орасида болалар ва катта ёшдагилар учун чойшаб ва кўрпа жилдлари, чақалоқлар учун кийимлар комплекти, ранг-баранг паннолар, миллий кашта сўзаналар ва кўрпачалар бор. Корхона чеварлари Тошкентнинг 2000 йиллигига шаҳар манзаралари акс эттирилган янги нусхаларни ўзлаштирдилар.**

**Бу йил коллектив пландан ташқари 250 миллион сўмлик товар ишлаб чиқаришни мўлжалламоқда.**



САМАРҚАНД. КПСС XXV съезди номли химия заводи коллективи шу йил бошидан буён 6 миллион киловатт-соатдан ортиқроқ электр энергияси тежаб қолди. Коллектив бу резерв ҳисобига тўла бир ҳафта ишлаш имконига эга.

Минерал ўғитлар ишлаб чиқаришни тобора кўпайтиришга эришиш, ёнилғи-энергетика ресурсларини тежаб қолиш, қатъий иш маромини сақлаш — корхонанинг ҳамма цехлари коллективлари меҳнатининг бригада пудрати формасига ўтишини таъминлади. СУРАТДА: корхонада бригада пудрати методига биринчилар қатори ўтиб ишлаётган ремонтчилар бригадасининг илғор аъзоси, коммунистик меҳнат зарбдори Александр Лапин.

Р. Ғафуров фотоси (ЎзТАГ).

## «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

**Калинин районлик М. Бердиева редакциямизга йўллаган хатида партия аъзоси Ж. Бердиевнинг коммунистга хос бўлмаган баъзи хатти-ҳаракатлари ҳақида ёзган эди. Ушбу хат КАЛИНИН РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ томонидан ўрганиб чиқилди. У ердан олинган жавобда шикоят хатида кўрсатилган фактлар тасдиқланганини хабар қилинади.**

Коммунист Ж. Бердиевнинг хатти-ҳаракати район агросаноат бирлашмаси партия йиғилишида муҳокама қилиниб, унга қаттиқ ҳайфсан эълон қилинган.

* * *

**Задарёлик ўқитувчилар 31-ўрта мактабда таълим-тарбия ишлари бўшашиб кетганлиги ҳақида хат йўллашган эди. Редакция ушбу хатни НАМАНГАН ОБЛАСТЬ ХАЛҚ МАОРИФИ БЎЛИМИга текшириш ва чора кўриш учун юборганди.**

— Хатда баён этилган фактлар текширишда қисман тасдиқланди, — деб хабар беради область халқ маорифи бўлими. — Текшириш натижалари Задарё район халқ маорифи бўлими Советида муҳокама қилиниб, буйруқ чиқарилди.

Таълим-тарбия жараёни устидан назоратни бўшаштириб юборгани учун 31-мактаб директори Н. Ботировага ҳайфсан эълон қилинди. Хатда кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш ва таълим-тарбия ишларини яхшилаш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

* * *

**«Мойбулоқ қишлоғида алоқа, транспорт хизмати кўнгилдагидек эмас», — деб ёзишади қўшработлик бир группа газетхонлар редакциямизга йўллаган хатда. Ушбу хат юзасидан текшириш ўтказган ҚЎШРАБОТ РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ қуйидагиларни маълум қилади:**

— Хатдаги фактлар қисман тасдиқланди. Мойбулоқ қишлоқ Совети территориясида аҳолига алоқа хизмати кўрсатиш кўнгилдагидек эмас эканлиги аниқланди. Район партия комитети ва район Совети ижроия комитети Мойбулоқ қишлоқ Советида мажлис ўтказиб, хатда кўрсатилган камчиликларни тугатиш чора-тадбирларини белгилади.

Район партия комитети бюроси аъзолари ва райижроком аъзолари Мойбулоқ қишлоқ Совети территориясида вақти-вақти билан гражданларни қабул қилишмоқда. Алоқа хизмати яхшиланди.

Совхоз марказидаги касалхонанинг аҳолига медицина хизмати кўрсатиш ишлари яхшиланди. Совхознинг 1-бўлимидан район марказига автобус қатнови йўлга қўйилди.

МЕҲНАТ КОЛЛЕКТИВЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ—УМУМХАЛҚ МУҲОКАМАСИДА

# ҒАМХЎРЛИККА КАФОЛАТ

Меҳнат коллективлари тўғрисидаги СССР Қонуни лойиҳаси совет кишиларини коммунизм қурилишида янада актив қатнашишга, ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштириш учун курашда фаол бўлишга даъват этмоқда. Мен унинг ҳар бир моддасини ўқиб-ўрганар эканман, партия ва ҳукуматимиз биз, ишчилар, колхозчилар, зиёлиларга ғамхўрликни ғоят кучайтираётганликларига яна бир карра чуқур ишонч ҳосил қилдим.

Меҳнат коллективи ўзига хос мураккаб механизмдир. У қанчалик жипслашган, аҳил бўлса, шунчалик бекаму кўст ишлайди. Саноат корхоналари, қурилиш, алоқа, транспорт ташкилотлари ва бошқа турли муассасаларда кўп ҳолларда ишга янги келганларга, уларнинг шу жойда муқим ишлаб қолишига жиддий эътибор берилмайди. Бунинг устига маъмурият раҳбарлари бу соҳада баъзан шундай хатоларга йўл қўядиларки, кейинчалик бу хато оқибатларини тузатиш қийин бўлади. Демоқчиманки, улар янги келган мутахассис кадрлар тақдирига юзаки қарайдилар. Бу эса кадрлар қўнимсизлигини келтириб чиқаради.

Ишга янги келган ёш мутахассис теварак атрофдагиларнинг ғамхўрлигини, меҳрибонлигини ҳис этмаса, қийинчиликларни енгишда тажрибали кишилар кўмагини сезмаса, ишдан бўшаш тўғрисида ариза ёзиши мумкин. Маъмурият раҳбарлари эса бундай аризаларга ишдан бўшаш сабабларини суриштирмай, имзо чекаверадилар.

Коллектив корхона фаолиятини амалга ошириш билан бир қаторда ҳар бир ишчи тақдирига манфаатдорлик билан қараши, айниқса ёшларга ғамхўрликни кучайтириш лозим. Бу КПСС Марказий Комитети ноябрь Пленуми қарорларидан келиб чиқадиган муҳим вазифадир.

Кадрлар қўнимсизлигини тугатиш ижтимоий аҳамиятга эга бўлган муҳим масала эканлигини унутмаслик керак. Шуни ҳисобга олиб Қонун лойиҳасида кадрлар қўнимсизлигига қарши кураш тўғрисида аниқ гапларни ёзиб қўйиш керак. Бизнингча, лойиҳанинг 9-моддасига **«Ишчи-хизматчилар, мутахассис кадрларнинг ишдан бўшаши ҳақидаги масала фақат меҳнат коллективларининг қарори асосида ҳал этилади»**, деган жумлани киритиш мақсадга мувофиқдир. Менимча, бу меҳнат коллективларида кадрлар қўнимсизлигига барҳам беришда катта роль ўйнайди.

**Ўлмас РОЗИҚОВ,**
**Самарқанд кўн заводи ишчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.**

# ЁШЛАР ЎРНИ

Кечагина олий ўқув юртини, ўрта махсус ёки ҳунар-техника билим юртини, ёхуд ўрта мактабни тугаллаб, тўппа-тўғри меҳнат коллективига келган ёш йигит-қизлар олдида ўзига хос мураккаб давр бошланади. Унинг онгида, юриш-туришида, ўзини тутишида, ижтимоий воқеаларга муносабатида ҳали ёшлик ҳусусияти, психологияси сезилиб туради. Шахснинг шаклланиш жараёнидаги камчиликлар бўлиши мумкин. Ёш кадр ана шундай ҳолда меҳнат коллективига келади. Гапнинг очиғи ҳамма меҳнат коллективлари ҳам уни қучоқ очиб кутиб олавермайди! Ёки ҳамма ёш кадр ҳам биринчи иш жойида муқим ишлаб қолавермайди. Натижада ёш кадрларнинг қўнимсизлиги бошланади.

Менинг фаолиятим бевосита ёшлар, комсомоллар билан боғлиқ бўлгани учун бундай ҳолларга жуда кўп дуч келаман. Баъзи ёшлар билан меҳнат коллективлари ўртасида рўй берган тушунмовчиликларни бартараф этишга фаол аралашган вақтларим кўп бўлган. Умумхалқ муҳокамасига тақдим этилган меҳнат коллективлари ҳақидаги Қонун лойиҳасини ўқир эканман, беихтиёр шулар ҳақида ўйлаб қолдим.

Қонун лойиҳасининг «Корхоналар, муассасалар, ташкилотларни бошқаришда меҳнат коллективларининг асосий ваколатлари» бобида меҳнат коллективларининг кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва жой-жойига қўйишдаги ваколатлари ҳақида тўхталиб ўтилади. Унинг 13-моддасида «Меҳнат коллективлари ёшларнинг касб-ҳунар тайёргарлигига, уларнинг коллективларда мустаҳкам ўрнашиб олиши масалаларини кўриб чиқадилар ва тегишли таклифлар киритадилар», — деб ёзилган.

Бу жуда ўринли таклиф. Дарҳақиқат, меҳнат қаҳрамонлари, новатор, ишлаб чиқариш илғорлари, қолаверса партия ва совет ходимлари, атоқли арбоблар ўзлари иш бошлаган дастлабки меҳнат коллективларини меҳр ва фахр билан тилга оладилар, ўзларига берган катта тарбия ва чиниқиш, сабоқ учун коллективдан жуда миннатдор бўлиб қоладилар.

Мен шулар ҳақида ўйлар эканман, меҳнат коллективлари ҳақидаги Қонун лойиҳаси иккинчи бобининг 13-моддасига қуйидаги фикрни ҳам қўшиб қўйиш мақсадга мувофиқ деган қарорга келдим: **«Меҳнат коллективларига биринчи бор қадам қўйган ёшларнинг жамиятдаги ўз ўрнини белгилаб олишларига, ҳалол, сидқидилдан қилган меҳнатлари билан коллективда муқим ишлаб қолишларига ҳар томонлама ёрдам бериш, мураббийлик қилиш меҳнат коллективларининг бурчидир».**

Менингча, бу меҳнат коллективларининг ёшлар олдидаги масъулиятини янада оширади ва умумий ишимиз учун фойдалидир.

**Г. СУБҲОНОВА,**
**Жиззах область комсомол комитетининг биринчи секретари.**

